«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Танлов комиссия раиси
_____ Турсунбаев С.С.
30.11.2017 й.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Кварц” акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти Қувасой шаҳри “Пакана” МФЙ ҳудудида “Қорабайир зотли отларини боқиш” комплекси қурилиши муносабати билан қуйидаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун қурилиш ташкилотлари орасида танлов эълон қилади;

1. Ёш отларга мўжалланган отхона, маиший бинолар, отларни айлантириш жойи (3-чи босқич) қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

Танлов асосида амалга ошириладиган қурилиш ишлари тажрибасига эга бўлган, Республикамизда ҳамда хорижий давлатлардаги қурилиш-пудрат ташкилотлари танловда қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги танлов талабларига жавоб бермаган, қурилиш-пудрат ташкилотлари танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- танлов эълон қилингунга қадар қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- молия кўрсаткичлари бўйича танлов комиссиясининг талабларига жавоб бермаган; қурилиш-пудрат ташкилотларни танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Буюртмачининг манзили ва номи: Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2 а уй, “Кварц” А\Ж

Қурилиш объектининг манзили: Қувасой шаҳар “Пакана” МФЙ ҳудуди.

* * *

Танлов ҳужжатлари билан танишиш учун қурилиш-пудрат ташкилотларини
Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2А уй “Кварц” А\Ж таъминот бўлимига
2017 йил 7 декабр соат 16-00 гача келишларини сўраймиз.

Танлов 2017 йил 11 декабр куни соат 13-00да,
Қувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси 2 а уй, “Кварц” АЖ биносида бўлиб ўтади.
Кўрсатилган муддатдан кечиккан таклиф ва мурожаатлар инобатга олинмайди.
Мурожаат учун телефонлар: (373) 372-44-26

Т А Н Л О В Г А М А Р Х А М А Т !